



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОДИЛ СУДЛОВ АКАДЕМИЯСИ
ТОМОНИДАН 2025 ЙИЛДА АМАЛГА
ОШИРИЛГАН ИШЛАР БЎЙИЧА**

АХБОРОТ

Тошкент-2025

МУНДАРИЖА

Кириш	3
--------------------	---

I. АКАДЕМИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ

1.1. Академия фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш.....	5
1.2. Академиянинг ташкилий ва моддий-техника базасини шакллантириш.....	8

II. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ВА ЎҚУВ-МЕТОДИК ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2.1. Таълим жараёнини ташкилий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш.....	10
2.2. Таълим жараёнини ташкил қилиш.....	11
2.3. Маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари.....	17
2.4. Ишлаб чиқилган ўқув адабиётлари.....	20

III. ИЛМИЙ ВА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШ

3.1. Тайёрланган таҳлилий маълумотномалар ва ишлаб чиқилган қонун ҳужжатлари лойиҳалари.....	23
3.2. Олий суд Пленуми қарори лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этилганлик ҳолати.....	25
3.3. Давлат дастурлари ва бошқа раҳбарий ҳужжатлар ижросини таъминлаш бўйича тадбирларда иштирок этилганлик ҳолати.....	27
3.4. Ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарлар.....	30
3.5. Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш.....	34
3.6. Халқаро ва идоралараро ҳамкорлик.....	37
3.7. “Odillik mezonі” илмий-амалий ва ҳуқуқий журнали таҳририяти фаолияти.....	40

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–141-сон Фармониغا асосан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби негизида Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси (кейинги ўринларда – Академия) ташкил этилди.

Академия судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судья ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш, таълим олувчиларда судьялик касбий маданиятини шакллантиришга ихтисослаштирилган давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

Академияда суд тизими учун ҳар томонлама етук, замонавий билим ва зарур касбий кўникмаларга эга юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш, таълим олувчиларда судьялик касбий маданиятини шакллантиришга қаратилган дастурларни жорий этиш, судьяларда мустақил, холис, беғараз, фақат қонунга таянган ҳолда ва адолат билан иш юритишнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган интерфаол ўқитиш услубларини таълим жараёнига татбиқ этиш, қонун нормаларини шарҳлаш ва қўллаш, юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни шакллантириш, касбий этика, психологияга доир назарий билимларни ва амалий кўникмаларни, таълим жараёнида коррупцияга қарши курашиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий қилиш, судьялик лавозимларига номзодлар, судья ва суд аппарати ходимларида замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект имкониятларидан амалиётда фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга асосий эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, Академияда таълим жараёни устоз-шогирд анъанаси асосида “бўлажак судьяни судья ўқитади” тамойилига мувофиқ қонунчиликни қўллаш кўникмасининг амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаган ҳолда “назария – амалиёт – имитация” тамойили асосида дуал таълим шаклида ташкил этилди.

Касбий қайта тайёрлаш курслари тингловчиларининг амалий кўникмасини шакллантириш мақсадида амалий машғулотлар деонтологик

услугда ўтказилиши жорий қилиниб, тингловчиларнинг тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура, суд-экспертиза ва бошқа давлат органлари ва муассасалари фаолиятида бевосита иштирок этиши таъминланди.

Суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, қонунчиликни ривожлантириш ва ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантиришнинг долзарб масалалари бўйича чуқур фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, суд-ҳуқуқ фаолиятини илмий-методик жиҳатдан таъминлаш, суд амалиёти ва статистикасини ўрганиш, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш масалалари Академиянинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади.

Ушбу ахборотда Академия (*Судьялар олий мактаби*) томонидан 2025 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар жамланган.

I. АКАДЕМИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ

1.1. АКАДЕМИЯ ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ

Академия фаолиятини самарали ташкил этишга оид қуйидаги идоравий ҳужжатлар қабул қилинди:

1. Академиянинг Устави Судьялар олий кенгаши томонидан тасдиқланиб (25.08.2025 йилдаги 2041-сон қарори), Академия 2025 йил 25 августда давлат рўйхатидан ўтказилди (664441-сонли гувоҳнома).

2. Академиянинг “Касбий қайта тайёрлаш курсларига қабул қилиш тартиби” тасдиқланди (Судьялар олий кенгаши ва Олий суднинг 22.08.2025 йилдаги қарори).

3. Академия Кенгашининг таркиби ва Низоми тасдиқланди (Судьялар олий кенгашининг 04.09.2025 йилдаги 2045-сон қарори).

4. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув режалари ва дастурлари ҳамда малака талаблари тасдиқланди (Академия Кенгашининг 24.09.2025 йилдаги қарори).

5. “Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси касбий қайта тайёрлаш курсларининг суд ихтисосликлари бўйича малака талаблари” тасдиқланди (Академия Кенгашининг 24.09.2025 йилдаги қарори).

6. “Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг судья ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш курслари тўғрисида” низом тасдиқланди (Академия Кенгашининг 24.09.2025 йилдаги қарори).

7. “Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш курслари тўғрисида” низом тасдиқланди (Академия Кенгашининг 24.09.2025 йилдаги қарори).

8. “Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг профессор-ўқитувчилари таркиби меҳнатини меъёрлаштириш тартиби тўғрисида” низом тасдиқланди (Академия Кенгашининг 24.09.2025 йилдаги қарори).

9. “Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясида тингловчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида” низом тасдиқланди (Академия Кенгашининг 24.09.2025 йилдаги қарори).

10. **“Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси битирувчиларини якуний аттестациядан ўтказиш тўғрисида”** низом тасдиқланди (*Академия Кенгашининг 24.09.2025 йилдаги қарори*).

11. **“Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби”** тасдиқланди (*Академия Кенгашининг 24.09.2025 йилдаги қарори*).

12. **“Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси биносига кириш-чиқиш ва унинг ҳудудида бўлиш тартиби тўғрисида”** йўриқнома тасдиқланди (*Академия Кенгашининг 24.10.2025 йилдаги қарори*).

13. **“Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси тингловчилари учун ички тартиб қоидалари”** тасдиқланди (*Академия Кенгашининг 24.10.2025 йилдаги қарори*).

14. **“Одил судлов академияси профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари рейтинг кўрсаткичларини шакллантириш тартиби”** тасдиқланди (*Академия Кенгашининг 24.10.2025 йилдаги қарори*).

15. **“Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ходимлари учун ички тартиби қоидалари”** тасдиқланди (*Академия Кенгашининг 03.12.2025 йилдаги қарори*).

16. **“Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси 70420115 – Суд фаолияти магистратура мутахассислигининг малака талаблари”** тасдиқланди (*Академия Кенгашининг 25.12.2025 йилдаги қарори*).

17. **“Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясига етук олимлар, юқори малакали мутахассис ва экспертларни меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида ўқув жараёнларига жалб этиш тўғрисида”** низом тасдиқланди (*Академия Кенгашининг 25.12.2025 йилдаги қарори*).

18. **“Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясига ходимларни ишга қабул қилиш тартиби”** тасдиқланди (*Академия Кенгашининг 25.12.2025 йилдаги қарори*).

19. **“Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси матбуот хизмати тўғрисида”** низом тасдиқланди (*Академия Кенгашининг 25.12.2025 йилдаги қарори*).

20. **“Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ходимларига мансаб даражаларини бериш тартиби тўғрисида”** низом тасдиқланди (*Академия Кенгашининг 25.12.2025 йилдаги қарори*).

21. **“Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш тўғрисида”** йўриқнома тасдиқланди (*Академия Кенгашининг 25.12.2025 йилдаги қарори*).

22. **“Ўзбекистон Республикаси Одил судлов Академиясининг идоравий архиви тўғрисида”** низом тасдиқланди (*Академия Кенгашининг 25.12.2025 йилдаги қарори*).

1.2. АКАДЕМИЯНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

1. Академия веб-сайти (<https://sudacademy.uz/>) ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари (Телеграм, Фейсбук), электрон почтаси (sudacademy@umail.uz, sudacademy@exat.uz) ишга туширилди.

2. Академиянинг расмий логотипи ва байроғи тасдиқланди, муҳр ва штамплари, расмий бланклари тайёрланди.

3. Қайта тайёрлаш курсларини муваффақиятли тамомлаган битирувчиларга бериладиган сертификат намунаси тасдиқланди (*Академия Кенгашининг 09.10.2025 йилдаги қарори*).

4. Судьялар олий мактабининг **4 та енгил автотранспорт воситалари ва 1 та автобуси** 2025 йил 9 сентябрь куни Академия балансига ўтказилди.

Судьялар олий мактабининг мол-мулкани Академия балансига ўтказиш ҳақида 2025 йил 5 сентябрда **топшириш-қабул қилиш далолатномаси** тузилди.

5. Академия Олий суднинг “Адолат” ахборот тизимига ва юқори тезликдаги **Интернет тармоғига** уланди.

6. Академия **А.Навоий** номидаги **Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг электрон ахборот-кутубхона** фондига ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг ягона “**Электрон таълим**” миллий тармоғига уланиши таъминланди.

Академиянинг илғор хорижий илмий нашриётлар маълумотлари базалари: **EIFL (Electronic Information for Libraries)** халқаро консорсиумининг лицензияли дастури орқали **E-Duke Journals Scholarly Collection** каби базаларига бепул уланиши бўйича ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

7. Академия “**edo.ijro.uz**” ягона электрон тизимига уланиб, электрон хужжатлар алмашинуви, хусусан ариза ва мурожаатларни электрон тарзда юбориш ва қабул қилиш амалиёти (sudacademy@exat.uz, info@sudacademy.uz, sudacademy@umail.uz) йўлга қўйилди.

8. Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан ўқув хонаси намунавий жиҳозланиб, Академияда видеоконференция ўтказиш имконияти яратилди.

9. **Ахборот-ресурс маркази** интернет тармоғига уланган **26** дона компьютерлар билан жиҳозланди.

Академия ходимлари учун **22 та моноблок** харид қилинди.

10. Ўқув аудиториялари янги **45 та мебель** жамланмаси билан қайта жиҳозланди.

11. Академия кутубхонаси **2100 дан ортиқ** (шундан 650 дан ортиғи электрон шаклда) миллий ва хорижий юридик, илмий адабиётлар ҳамда бадиий адабиётлар билан жиҳозланди.

Академиянинг **18 та хорижий** ва **12 та маҳаллий** журнал ва газеталарга обунаси таъминланди.

12. 2025/2026 ўқув йилида касбий қайта тайёрлаш курслари тингловчилари ва докторантларга **ноутбуклар** фойдаланиш учун бириктирилди.

II. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ВА ЎҚУВ-МЕТОДИК ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2.1. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛИЙ ВА МОДДИЙ-ТЕХНИК ЖИХАТДАН ТАЪМИНЛАШ

Академияда **Кенгаш, 2 та факультет, 6 та кафедра, 7 та бўлим** ва бошқа тузилмалар фаолияти йўлга қўйилди.

Академиянинг бошқарув ходимлари таркиби жами **15 нафар** амалий тажрибага эга малакали илмий-педагог кадрлар ва мутахассислар билан тўлдирилди.

Академияда **22 нафар** илмий даражага эга бўлган мутахассислар фаолият кўрсатмоқда. Шулардан **8 нафари** юридик фанлар доктори (4 нафари профессор, 4 нафари доцент), **14 нафари** юридик фанлар номзоди (1 нафари профессор, 3 нафари доцент) ҳисобланади.

Академиянинг **15 нафар** ходими илгари судьялик лавозимида фаолият юритган.

Штатдаги профессор-ўқитувчилар сони **18 нафарни** ташкил этиб, мавжуд штат доирасида **19 нафар** профессор-ўқитувчи фаолият юритмоқда.

Академиянинг таълим йўналиши бўйича **илмий салоҳияти 84 фоизни** ташкил этади.

Кафедра профессор-ўқитувчилари билан биргаликда, дарс машғулотларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг соатбай шартлари асосида суд тизими ва бошқа ташкилотларда фаолият юритаётган, кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган **24 нафар** малакали мутахассислар (**18 нафари** судья, **4 нафари** олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, **2 нафари** суд аппарати ва бошқа соҳа мутахассислари) жалб қилинди.

Академия профессор-ўқитувчилари ҳамда тингловчиларининг рейтинг кўрсаткичларини электрон тарзда шакллантириш, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш, ўқув жараёнларини онлайн ва офлайн тарзда назорат қилиш имкониятини берувчи **ахборот дастури (edo.sudya.uz)** ҳамда барча ходим ва тингловчиларни масофадан назорат қилувчи **“е-кадр” тизими (ekadr.sudya.uz)** жорий қилинди.

2.2. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Судьялик лавозимларига номзодларни қайта тайёрлаш:

Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш бўйича 2024/2025 йиллардаги ўқув курсини жами **182 нафар тингловчи** (шундан жиноят ишлари бўйича 100 нафар, фуқаролик ишлари бўйича 42 нафар, иқтисодий 20 нафар, маъмурий 20 нафар) муваффақиятли якунлади.

Жорий йил якунига кўра, шулардан **118 нафари (65%)** судьялик лавозимига (шундан 56 нафари жиноят, 32 нафари фуқаролик ишлари бўйича, 15 нафари иқтисодий, 15 маъмурий суд судьялигига) тайинланди.

2025/2026 ўқув йили учун судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсига жами **1016 нафар** талабгор ҳужжат топширди.

Танлов **тўрт босқичли синов имтиҳонлари** (психологик тест, мутахассислик ва чет тилидан тест синовлари, ёзма ишю оғзаки суҳбат) асосида ўтказилди.

Имтиҳон натижаларига кўра, **1016 нафар** талабгордан **164 нафари** Касбий қайта тайёрлаш курсига қабул қилинди (шундан 62 нафари жиноят ҳуқуқи, 60 нафари фуқаролик ҳуқуқи, 20 нафари иқтисодий ҳуқуқ ва 22 нафари маъмурий ҳуқуқ).

4 нафар тингловчи ўз ҳохишига биноан тингловчилар сафидан чиқарилди. Ҳисобот йили якунига кўра Касбий қайта тайёрлаш курсларида **160 нафар** тингловчи таҳсил олди.

Касбий қайта тайёрлаш курси “**назария-амалиёт-имитация**” тамойили асосида **дуал шаклда** ташкил этилди. Бунда **124 соат назарий, 250 соат амалий** машғулотларга, **250 соат суд имитациясини** ўтказишга ажратилди.

Назарий-амалий билимларни амалда мустаҳкамлаш мақсадида куннинг иккинчи ярмида **312 соат судларда амалиёт ўташ** жорий қилинди. Суд амалиётлари кўп йиллик тажрибага эга **43 нафар судьялар** томонидан олиб борилди.

Тингловчиларнинг амалий кўникмасини шакллантириш мақсадида амалий машғулотлар **деонтологик услубда** ўтказилиши йўлга қўйилди. Ўқув режасига кўра октябрь-декабрь ойларида жами **47 та ташкилотларда ўқув машғулотлари** олиб борилди.

“Судьяни судья ўқитади” тамойили асосида ўқув жараёнларига кўп йиллик тажрибага эга бўлган жами **16 нафар амалдаги судьялар** жалб этилди.

Халқаро ҳамкорлик доирасида таълим жараёнига **Испания, Туркия, Япония, Озарбайжон** каби давлатлар турдош ташкилотларининг судья ва мутахассислари жалб қилинди.

БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, **ЮНИСЕФ** ва **ЮНЕСКО**нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Халқаро юристлар комиссияси (**ИСЖ**), Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (**GIZ**), Германия Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармаси (**IRZ**) ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (**OSCE**) вакиллари томонидан инсон ҳуқуқлари, сўз эркинлиги, ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқи, кибержиноятлар бўйича рақамли далиллар билан боғлиқ ишларни самарали кўриб чиқиш мавзуларида тренинглар ташкил этилди.

Малака ошириш курслари:

Академияда Судьялар олиш кенгаши ва Олий суднинг буюртмаси асосида жами **31 та малака ошириш курслари** ташкил қилинди. Мазкур курсларда жами **671 нафар шахс** малакасини оширди.

Шундан:

Беш йил муддатга тайинланган судьялар **161 нафар судьялар** учун икки ҳафталик, ўн йил муддатга тайинланган **118 нафар судьялар** учун икки ҳафталик ҳамда муддатсиз даврга тайинланган **13 нафар судьялар** учун бир ҳафталик малака ошириш курслари ташкил этилди.

Фаолият самарадорлиги рейтинги паст кўрсаткичларига эга бўлган **19 нафар судьялар** учун икки ҳафталик малака ошириш курслари ташкил қилинди.

Бундан ташқари, **360 нафар** (32 нафари жиноят ишлари бўйича, 16 нафари фуқаролик ишлари бўйича, 30 нафари иқтисодий, 14 нафари маъмурий ишлар бўйича, 268 нафари жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар миқёсидаги судларнинг тергов судьяларининг судья ёрдамчилари) суд аппарати ходимлари икки ҳафталик малака ошириш курсларида ўқитилди.

Академияда малака ошириш курслари ананавий (оффлайн) шаклда ташкил этилиши жорий этилди.

Малака ошириш курслари якуни бўйича судья ва суд аппарати ходимларидан Академиянинг **edo.sudya.uz** электрон платформаси орқали якуний имтиҳон олиш йўлга қўйилиб, мазкур имтиҳонлардан ижобий балл (60%дан юқори) тўплаган **665 нафар** тингловчиларга малака оширганликлари тўғрисида сертификатлар топширилди.

Рахбарлик лавозимлари учун судьяларни қайта тайёрлаш курси:

Рахбар кадрларни қайта тайёрлаш бўйича икки ойлик курсларда жами **11 нафар** судьялар ўқитилди.

Қайта тайёрлаш курсини муваффақиятли тамомлаган жами **11 нафар** судьяга сертификатлар топширилди.

Ташкил этилган қисқа муддатли (вебинар) курслар:

“Жиноят процессида фуқаролик қонунчилиги нормаларининг қўлланилиши муаммолари” мавзусида жиноят ишлари бўйича судьялар учун (29-30 январь, 4, 6 февраль).

“Коррупциянинг барча кўринишларига мурасасиз муносабатни шакллантириш” мавзусида республиканинг барча судьялари учун (15, 29 март, 5, 12 апрель).

“Меҳнат низоларига доир ишлар” мавзусида фуқаролик ишлари бўйича судьялар учун (11, 18, 25 апрель, 2 май).

“Интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низоларга доир ишлар” мавзусида барча судьялар учун (30 апрель, 7, 14, 21 май).

“Болаларга нисбатан зўравонлик, шу жумладан, жинсий зўравонлик билан боғлиқ ишлар” мавзусида жиноят ишлари бўйича судьялар учун (2, 9, 16 июль).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги **“Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПҚ-33-сон қарори билан

киритилаётган институтларнинг мазмун-моҳиятини ва уларни амалиётда қўллаш тартибини ўрганиш бўйича барча судьялар учун (12, 16, 19, 23, 24, 29, 31 июль, 5 август).

“Коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш” мавзусида республиканинг барча судьялари учун (23 декабрь).

Ўтказилган семинар, тренинг ва давра суҳбатлари:

2025 йил 16 январь куни **Коррупцияга қарши курашиш агентлиги** масъул ходимлари томонидан иқтисодий ҳуқуқ ихтисослиги тингловчиларининг коррупцияга қарши кураш бўйича амалий кўникмаларини ошириш мақсадида давра суҳбати ўтказилди.

Фуқаролик ҳуқуқи ихтисослиги тингловчилари учун 17 январда амалиётчи эксперт Саидали Мухторалиев томонидан **“Меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби”** мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Фуқаролик ҳуқуқи ихтисослиги тингловчилари учун 24 январь куни амалиётчи эксперт Муҳайё Каримова ва Зухра Мусаевалар томонидан **“Фуқаролик ҳуқуқида васият ва қонун бўйича ворисликка оид нормаларни қўллаш”** мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Фуқаролик ҳуқуқи ихтисослиги тингловчилари учун 31 январда Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқларини химоя қилиш кафедраси доценти, юридик фанлар доктори Матлуба Аминжонова томонидан **“Судлар томонидан суғуртага оид қонунчилик нормаларни қўллаш”** мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Фуқаролик ҳуқуқи ихтисослиги тингловчилари учун 7 февралда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходимларининг малакасини ошириш маркази профессори, юридик фанлар доктори Тошев Бобокул Норқобулович томонидан **“Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид нормаларни қўллаш”** мавзусида очик дарс ташкиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирокида

ўтган Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида илгари сурилган масалаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш юзасидан 5 март куни Касбий кўникмалар кафедраси мудири Ш.Ҳақназаров томонидан **очик дарс** ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 2025 йил 13 март куни Олий суд судьяси Б.Исрайлов томонидан иқтисодий ҳуқуқ ихтисослиги тингловчиларига **“Давлат харидларига оид қонунчиликни иқтисодий судларда қўллаш масалалари”** мавзусида мастер-класс ўтказилди.

Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси мудири И.Насриев томонидан 26 март куни **“Илмий тадқиқот ишларига қўйилган талаблар”** мавзусида фан соати ўтказилди.

Касбий кўникмалар кафедраси ўқитувчиси Н.Нажмидинова томонидан 9 июнда судьялар учун **“Суд экспертизасининг замонавий имкониятлари”** мавзусида семинар ўтказилди.

2025 йил 14 октябрь куни **“Бағрикенглик ва инсон ҳуқуқлари”** мавзусида очик мулоқот ташкил этилди. Тадбир якунида тингловчилар учун **“БМТ Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияни биласизми?”** мавзусида викторина ўтказилди.

2025 йил 17 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази директори А.Халилов томонидан маъмурий ҳуқуқ ихтисослиги тингловчилари учун **“Суд экспертизасининг замонавий имкониятлари ва янги экспертиза турлари”** мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Жорий йилнинг 20 октябрь куни иқтисодий ҳуқуқ ихтисослиги тингловчилари учун Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармасида **“Палата томонидан киритилган даъво аризалари, судларда иштирок этишнинг ўзига хос хусусиятлари”** мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Халқаро юристлар комиссияси вакиллари С.Рахимова ва Т.Шакиров томонидан жиноят ҳуқуқи ихтисослиги тингловчилари учун ноябрь-декабрь

ойларида **“Инсон ҳуқуқлари халқаро стандартлари: Аёллар, Болалар ва Ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш”** мавзусида ўқув машғулоти ўтказилди.

2025 йил 11-13 ноябрь кунлари тингловчилар учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Нотариат, адвокатура ва медиация бошқармаси бошлиғи М.Хатамов ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси Нотариат, адвокатура ва медиация бўлими мутахассиси М.Рустамов томонидан амалий машғулоти ўтказилди.

Иқтисодий ҳуқуқи ихтисослиги тингловчилари учун жорий йилнинг 13 ноябрь куни Тошкент медиация марказида **“Тошкент медиация маркази фаолияти билан танишиш”** мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари А.Ғофуров билан тингловчилар ўртасида 29 ноябрь куни давра суҳбати ўтказилди.

Жорий йилнинг 16 декабрь куни Тошкент шаҳар киберхавфсизлик маркази мутахассиси иштирокида муддатсиз даврга тайинланган судьялар учун **“Кибер жиноятчиликка қарши кураш”** мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

2.3. МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ВА СПОРТ ТАДБИРЛАРИ

2025 йилда тингловчиларнинг маънавий дунёқарашили янада бойитиш мақсадида уларнинг машғулотлардан бўш пайтларида режали асосда **музейлар, театр ва бошқа маънавий-маърифий масканларга ташрифи ва турли интеллектуал тадбирлар** ташкил қилинди. Жумладан:

2025 йил 18 октябрь куни Академия тингловчилари **А.Навоий** номидаги **Ўзбекистон Миллий кутубхонасига** ташриф буюриб, кутубхонанинг бой тарихи, илмий-маънавий мероси, замонавий фаолияти ҳамда рақамлаштирилган ахборот ресурслари билан яқиндан танишдилар.

21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни муносабати билан Академияда **“Қадринг баланд бўлсин, она тилим!”** шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, филология фанлари номзоди, доцент **О.Тошбоев** иштирок этиб, она тилининг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни, тил маданиятини янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида маъруза қилди.

2025 йил 25 октябрь куни Академия тингловчилари Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат академик мусиқали театрида сахналаштирилган **“Қайтар дунё”** спектакли намоёйишида иштирок этди.

2025 йил 1 ноябрь куни Академия тингловчилари **Темурийлар тарихи давлат музейига** ташриф буюриб, буюк саркарда Амир Темур ва Темурийлар сулоласининг шонли тарихи, давлат бошқаруви, илм-фан ва маданият ривожига қўшган улкан ҳиссаси билан яқиндан танишдилар.

2025 йил 8 ноябрь куни Академия тингловчилари Ўзбекистон Миллий кино санъати саройида **“Судья”** бадий фильми намоёйишида иштирок этишди.

2025 йил **18 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун** муносабати билан тингловчилар ўртасида **“Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонун асосида онлайн викторина** ташкил этилди. Унда 20 та саволга энг тез ва тўғри жавоб берган

тингловчилар аниқланиб, уч нафар ғолиб “Ибрат фарзандлари” лойихаси томонидан инглиз тилини сунъий интеллект ёрдамида ўргатиш бўйича пуллик дастур – “Супер старт” учун мўлжалланган **“GOLD CARD”**, бадий китоблар ҳамда диплом билан тақдирландилар.

2025 йил 2 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Ф–60-сон фармойиши ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг ўттиз уч йиллигини муносиб нишонлаш, Академия тингловчиларини ундаги эзгу кадриятлар атрофида бирлаштириш ҳамда **“Конституция – инсон кадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови”** деган ғояни кенг тарғиб этиш мақсадида **“Заковат”** интеллектуал турнири ўтказилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг ўттиз уч йиллиги муносабати билан **“Конституция – эркин ва фаровон ҳаёт гарови”** мавзусида илмий мақолалар танлови ташкил этилди.

2025 йил 4 декабр куни **“Конституция – инсон кадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови”** мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Ҳисобот даврида Академия профессор-ўқитувчилари томонидан **телевидение ва радиода 100 га яқин** чиқишлар қилиниб, Академия фаолиятини яқиндан ёритишга қаратилган кўрсатувлар тайёрланди ва эфирга узатилди.

Жинойят ҳуқуқи йўналиши тингловчилари томонидан **“Одам савдоси”, “Оилавий (маиший) зўравонлик”** ва **“Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёки бундай моддаларни ёхуд захарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш”** жиноятлари

мавзусида Ўзбекистон телеканалининг “Одил судлов” дастури учун суд имитациялари тасвирга олинди.

2.4. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ

Ҳисобот даврида Академия профессор-ўқитувчилари ва ходимлари томонидан **4 та дарслик, 6 та ўқув қўлланма, 9 та амалий қўлланма, 2 та монография ва 1 та илмий конференция материаллари тўплами** тайёрланиб, чоп этилди. Жумладан:

1. Одил судлов // Дарслик // Д.Арипов, Ҳ-М.Исоқов, Б.Мўминов, М.Каландарова. – Т.: 2025, 227 б.

2. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи // Дарслик // Муаллифлар жамоаси: И.Насриев, Б.Ҳамрокулов, Д.Довудова, С.Сафоева, З.Эсанова, Ф.Муҳитдинова, Л.Ачилова. Ф.Муҳитдинованинг умумий таҳрири остида. // 2025 йил. 400 б.

3. Нотариатга оид 500 саволга 500 жавоб. Амалий қўлланма И.И.Насриев, З.А.Мусаева, Д.Р.Ашуров. – Т.: 2025. –192 б.

4. “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга оид халқаро шартномалар тўплами” номли илмий-амалий ўқув қўлланма. Б.Тошев. – Т.: 2025 йил.

5. “Муаллифлик ҳуқуқи: савол ва жавоблар” номли илмий-амалий ўқув қўлланма. Б.Тошев. – Т.: 2025 йил.

6. “Жиноятга дахлдорлик учун жавобгарлик масалалари”. Ўқув қўлланма. Д.Исраилов. – Т.: 2025 йил.

7. “Жиноятларни квалификация қилишда жиноий ҳуқуқ нормалари рақобатининг назарий муаммолари”. Ўқув қўлланма. Д.Исраилов. – Т.: 2025 йил.

8. “Тезкор-қидирув фаолиятига оид қонунларнинг ижроси устидан прокурор назорати”. Монография. Д.Исраилов. – Т.: 2025 йил.

9. Судьянинг касб этикаси // Дарслик // Ҳ-М.Исоқов, Д.Арипов, М.Қаландарова, Ш.Ҳақназаров, Б.Мўминов. – Т.: “Dimal” нашриёти. Тошкент – 2025. 202 б.

10. Жиноят ишени судда кўришда этика нормаларини қўллашнинг назарий ва амалий масалалари. Монография. Ш.Хақназаров. – Т.: “Dimal” нашриёти, 2025 й. – 202 б.
11. Суд-тергов фаолияти психологияси. Ўқув қўлланма. Ш.Хақназаров.
12. Иқтисодий процессуал ҳуқуқ. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. (С.Холбаев). – Т.: ТДЮУ. 2025 й. – 548 бет.
13. “Судларда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашнинг айрим масалалари: назария ва амалиёт”. Илмий конференция материаллари тўплами. (Масъул муҳаррир Ҳ-М.И.Исоқов). Т.: “Dimal”, 2025 й. - 536 б.
14. Ваколатли судларда ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишларни юритиш. Амалий қўлланма. // Ф.Отахонов. – Т.: “Renessans Press”, 2025. – 472б.
15. Ҳакамлик судлари ва ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишларни юритиш. Амалий қўлланма / Ф.Отахонов. – Т.: “Renessans Press”, 2025. – 528б.
16. “Суд-тергов фаолияти психологияси” номли ўқув қўлланма / Ш.Хақназаров. – Т.: Ўзбекистон, 2025. 149 бет.
17. “Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш бўйича низолар юзасидан суд амалиёти” номли амалий қўлланма / Ф.Мухитдинова, Г.Зиганшина. – Т.: 2025. – 52 б.
18. “Соғлиққа қарши жиноятлар таҳлили” номли ўқув қўлланма / Т.Обидов. – Т.: Ўзбекистон, 2025. 165 бет.
19. “Судьялик лавозимида номзодлар учун савол-жавоблар” номли услубий тавсиянома // Т.Обидов. – Т.: “Yuridik adabiyotlar publish” нашриёти, 2025 йил. – 261 б.
20. “Солиқ органларининг қонунга ҳилоф ҳаракатларидан тадбиркорлик субъектларини фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш” /Ўқув қўлланма/ Р.Т.Бердияров. – Т.: 2025. – 140 б.
21. Маъмурий суд ҳужжатлари намуналари //Амалмй қўлланма// Б.Самарходжаев. – Т.: 2025 йил.

22. Бола ҳуқуқлари: халқаро ва миллий тажриба // Амалий қўлланма.
З.Амиров. – Т.: 2025 йил.

III. ИЛМИЙ ВА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШ

3.1. ТАЙЁРЛАНГАН ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТНОМАЛАР ВА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИ

1. **“Суд мажлисини олиб боришни тартибга солиш”** юзасидан хорижий давлатлар тажрибаси асосида таҳлилий маълумотнома тайёрланди *(Судьялар олий кенгашига 2025 йил 15 январда юборилди).*

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПҚ-33-сон қарори ижроси юзасидан **“Маъмурий суд ишлари юритувини такомиллаштириш бўйича амалдаги қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга оид таклифлар”** тайёрланди *(Судьялар олий кенгашига 2025 йил 19 мартда юборилди).*

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПҚ-33-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида маъмурий суд ишлари юритувини такомиллаштириш бўйича маҳаллий ва хорижий таълим ташкилотларида ва илмий тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш, уларни ҳуқуқни қўллаш амалиётида тадбиқ қилиш имкониятларини ўрганиш юзасидан таҳлилий маълумотнома тайёрланди *(Олий судга 2025 йил 17 апрелда юборилди).*

4. **“Судьялар дахлсизлигига оид нормаларни қўллаш”** юзасидан таҳлилий маълумотнома тайёрланди *(Судьялар олий кенгашига 2025 йил 5 майда юборилди).*

5. **“Судьялар мустақиллигини таъминлаш соҳасида халқаро ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти”** мавзусида таҳлилий маълумотнома тайёрланди *(Судьялар олий кенгашига 2025 йил 12 майда юборилди).*

6. **“Суд тизимида коррупциявий омилларни бартараф этиш”** мавзусига оид таҳлилий маълумотнома ва таклифлар тайёрланди *(Судьялар олий кенгашига 2025 йил 12 майда юборилди).*

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелда қабул қилинган **“Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПФ-71-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди *(Судьялар олий кенгашига 2025 йил 15 майда юборилди).*

8. **“Суд тизимини самарали ислоҳ этиш юзасидан қисқа ва узок муддатли истиқболга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси”** тайёрланди *(Президент Администрациясига 2025 йил 25 июлда юборилди).*

9. **“Судьялар олий кенгаши раисини тайинлаш: Ўзбекистон ва хорижий давлатлар тажрибаси”** мавзусида таҳлилий маълумотнома тайёрланди *(Судьялар олий кенгашига 2025 йил 9 сентябрда юборилди).*

10. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг **“Тасвирга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш”** номли 100¹-моддасини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрланди *(Олий Мажлис Сенатига 2025 йил 1 ноябрда юборилди).*

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил 25 ноябрда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди *(Олий Мажлис Сенатига 2025 йил 4 декабрда юборилди).*

3.2. ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ИШТИРОК ЭТИЛГАНЛИК ҲОЛАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **“Фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишларни кўриб чиқишда прокурор иштирокини таъминлашга доир қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”**ги қарори лойиҳаси юзасидан таклифлар тайёрланди *(Олий судга 2025 йил 30 январда юборилди)*.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **“Маъмурий судларда қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришга оид процессуал қонун ҳужжатларини қўллаш тўғрисида”**ги қарори лойиҳаси юзасидан таклифлар тайёрланди *(Олий судга 2025 йил 30 январ ва 14 февралда юборилди)*.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **“Иқтисодий судлар томонидан “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”**ги қарори лойиҳаси юзасидан таклифлар тайёрланди *(Олий судга 2025 йил 26 мартда ва 15 апрелда юборилди)*.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги **“Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”**ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси юзасидан таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқилди *(Олий судга 2025 йил 10 апрелда юборилди)*.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **“Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”**ги 6-сонли қарори лойиҳаси юзасидан таклифлар тайёрланди *(Олий судга 2025 йил 13 майда юборилди)*.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги **“Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида”**ги 22-сонли

қарори лойиҳаси юзасидан таклифлар тайёрланди (*Олий судга 2025 йил 13 майда юборилди*).

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **“Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар билан боғлиқ низоларни судларда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида”**ги қарори лойиҳаси юзасидан таклифлар тайёрланди (*Олий судга 2025 йил 8 августда юборилди*).

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **“Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”**ги 1-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрланди (*Олий судга 2025 йил 25 августда юборилди*).

9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **“Шахсий номулкӣ ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини судлар томонидан қўллаш амалиёти ҳақида”**ги қарори лойиҳаси юзасидан таклифлар тайёрланди (*Олий судга 2025 йил 22 сентябрда ва 17 октябрда юборилди*).

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **“Судларда ерга оид низоларни кўришда қонунчилик ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”** 2023 йил 20 ноябрдаги 28-сонли қарори лойиҳаси юзасидан таклифлар тайёрланди (*Олий судга 2025 йил 16 октябрда юборилди*).

3.3. ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ВА БОШҚА РАЎБАРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАРДА ИШТИРОК ЭТИЛГАНЛИК ҲОЛАТИ

1. БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Маргарет Саттертуэйтнинг **“Сунъий интеллект ва суд тизимлари”** мавзусидаги саволномаси юзасидан таклифлар тайёрланди *(Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказига 2025 йил 21 майда юборилди).*

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2025 йил 8 майдаги КҚ-179-В-сонли қарори билан тасдиқланган **“Болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш бўйича”** чора-тадбирлар дастурининг 25-банди ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди *(Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига 2025 йил 26 июнда юборилди).*

3. **“Ўзбекистон Республикаси Судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида”**ги қонун лойиҳаси юзасидан таклифлар тайёрланди *(Судьялар олий кенгашига 2025 йил 1 июлда юборилди).*

4. **“Жиноят қонунчилигига жиноий ножўя қилмиш институтини киритиш”** юзасидан таҳлилий маълумотнома тайёрланди *(Бош прокуратурага 2025 йил 9 июлда юборилди).*

5. **“Судьялар корпусини шакллантириш, шунингдек, судьялар дахлсизлиги ва мустақиллигини таъминлаш, суд тизимида коррупциянинг олдини олиш борасида 2025-2027 йилларга мўлжалланган Ривожланиш истиқболлари”** режасига таклифлар тайёрланди *(Судьялар олий кенгашига 2025 йил 17 июлда юборилди).*

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 июлдаги **“Давлат бошқаруви тизимида самарадорлик, проактивлик ва натижадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ-111-сон Фармонида мувофиқ суд тизимини ислоҳ қилиш юзасидан таклифлар тайёрланди *(Президент Администрациясига 2025 йил 24 июлда юборилди).*

7. Барқарор ривожланиш мақсадлари индекси (SDG Index)даги таркибий индикаторларда Ўзбекистон кўрсаткичларини яхшилаш бўйича 2025-2026 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси лойиҳаси юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди (*Олий мажлис Сенатига 2025 йил 23 июлда юборилди*).

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” Стратегияси 86-мақсади ижросига оид **“Суд тизимини самарали ислоҳ этиш юзасидан қисқа ва узок муддатли истиқболга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси”**га таклифлар тайёрланди (*Судьялар олий кенгашига 2025 йил 12 августда юборилди*).

9. **“Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли кафолатлаш”**га доир таклифлар ишлаб чиқилди (*Олий Мажлис Сенатига 2025 йил 19 августда юборилди*).

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури ижроси юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди (*Судьялар олий кенгашига 2025 йил 5 сентябрда юборилди*).

11. Халқаро рейтинг ва индекслар бириктирилган илмий ташкилотларнинг тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш бўйича 2026 йилга мўлжалланган йиллик режалар лойиҳаси учун таклифлар тайёрланди (*Адлия вазирлигига 2025 йил 7 ноябрда юборилди*).

12. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш бўйича идоралараро комиссиянинг 2024 йил 29 февралдаги қарори билан **“Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқиш”** бўйича ишчи гуруҳ таркибида И.Насриевнинг доимий асосда иштироки таъминланди.

13. Аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш, уларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш, эрта ҳомиладорлик сабаблари ва уларнинг олдини олишни мувофиқлаштирувчи **Идоралараро ишчи гуруҳи** таркибида Жиноят-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири Т.Обидовнинг иштироки таъминланди *(Президент Администрациясига 2025 йил 18 декабрда юборилди)*.

3.4. ЎТКАЗИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ВА СЕМИНАРЛАР

Ҳисобот даврида Одил судлов академияси раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари ва ходимлари **100 дан ортиқ** халқаро ва республика даражасидаги илмий, амалий конференциялар, давра суҳбатлари, семинарлар, тренинглар, учрашувлар ва муҳокамаларда маърузалар билан иштирок этишди.

Академияда қуйидаги миллий ва халқаро тадбирлар ўтказилди:

1. 2025 йил 20 май куни **“Судларда моддий ва процессуал ҳуқук нормаларини қўллашнинг айрим масалалари: назария ва амалиёт”** мавзусида республика илмий-амалий конференцияси;

2. Жорий йилнинг 2 июнь куни **“Медиация институти ривожланишининг замонавий тенденциялари ва суд амалиёти”** мавзусида халқаро илмий-амалий конференция;

3. 2025 йил 3 октябрь куни **“Янги Ўзбекистонда малакали судьялар корпусини шакллантириш: ислохотлар самарадорлиги ва ривожланиш истиқболлари”** мавзусида халқаро конференция;

4. 2025 йил 4 декабрь куни **“Конституция — инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови”** мавзусида республика илмий-амалий конференцияси.

5. 2025 йилнинг 10-18 март кунлари Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятида, 12-20 май кунлари Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларида **UNESCO**нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Судьялар олий мактаби ҳамда Швейцария элчихонаси ҳамкорлигида хорижий эксперт **Хуан Барата Мир** томонидан **“Сўз эркинлиги ва ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқининг халқаро стандартлари”** мавзусида икки кунлик семинар-тренинг ўтказилди. Семинар-тренинг доирасида сўз эркинлиги ва ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича БМТ ва Европа кенгаши ҳужжатлари, миллий қонунчиликни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш масалалари,

шунингдек мазкур соҳада судьяларнинг роли ва суд амалиётининг долзарб жиҳатлари атрофлича муҳокама қилинди.

6. 2025 йилнинг 14-15 апрель кунлари Тошкент шаҳрида хорижий эксперт Кирилл Клевцов томонидан, 21-22 апрель кунлари Фарғона вилоятида ва 23-24 апрель кунлари Наманган вилоятида, 3-4 ноябрь кунлари Сурхондарё вилоятида, 5-6 ноябрь кунлари Қашқадарё вилоятида **Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (OSCE) Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида “Кибержиноятлар бўйича рақамли далиллар билан боғлиқ ишларни самарали кўриб чиқиш”** мавзусида тренинг ўтказилди. Тадбир доирасида кибержиноятлар тўғрисидаги ишлар юзасидан рақамли далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш ва баҳолашнинг халқаро қабул қилинган ёндашувлари, суд муҳокамасида электрон маълумотлардан фойдаланишнинг процессуал талаблари, шунингдек судьялар учун рақамли излар билан ишлашда амалий кўникмаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

7. 2025 йил 2 июнь куни Судьялар олий мактабида **“Медиация институти ривожланишининг замонавий тенденциялари ва суд амалиёти”** мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Анжуманда давлат органлари ва судьялари, шунингдек **Туркия, Қирғизистон, Озарбайжон ва Қозоғистон** вакиллари медиациянинг оилавий, тижорат ва иқтисодий низоларни ҳал этишдаги аҳамияти, низоларни муқобил ҳал қилишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда суд тизими юқламасини камайитиришга оид таклиф ва тавсияларни муҳокама қилдилар.

8. 2025 йил 18-26 август кунлари Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилояти судьялари учун **ЮНЕСКО**нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Судьялар олий мактаби ва Швейцария элчихонаси ҳамкорлигида **“Сўз эркинлиги ва ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқи”**нинг халқаро стандартлари таҳлили мавзусида икки кунлик семинар-тренинг ўтказилди. Тадбирда ЮНЕСКО ваколатхонаси вакиллари ва халқаро эксперт **Хуан Барата Мир** иштирок этиб, сўз эркинлигини ҳимоя қилиш, ахборотдан фойдаланишни рағбатлантириш, нафрат нутқи, ОАВни тартибга солиш ва рақамли муҳитга

оид халқаро ҳуқуқий база ва минтақавий стандартлар юзасидан маъруза қилинди, тренинг якунида судьяларга халқаро ташкилот томонидан сертификатлар топширилди.

9. 2025 йил 2 октябрь куни **Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг расмий очилиши** бўлиб ўтди. Очилиш доирасида Туркия, Озарбайжон, Қирғизистон ва Қозоғистон Республикаларининг судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш ҳамда судьялар малакасини оширишга ихтисослашган таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан англашув меморандумларини имзоланди. Мазкур тадбирлар Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (**ЙҲХТ**), **ЮНЕСКО** ва **ЮНИСЕФ** билан ҳамкорликда амалга оширилди.

10. 2025 йил 3 октябрь куни Академия очилиш маросими доирасида **“Янги Ўзбекистонда малакали судьялар корпусини шакллантириш: ислохотлар самарадорлиги ва ривожланиш истиқболлари”** мавзусида халқаро конференция ташкил этилди. Конференцияда Президент Администрацияси, Олий Мажлис, Конституциявий суд, Олий суд, Адлия вазирлиги, олий таълим муассасалари, шунингдек **Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Туркия, Франция, Испания ва Болгария** давлатларининг судьяларни тайёрлаш ва малакасини оширишга ихтисослашган муассасалари ҳамда Судьялар кенгашларидан 20 дан ортиқ вакиллар иштирок этдилар.

11. 2025 йил 15-19 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ва **Халқаро юристлар комиссияси (ICJ)** билан ҳамкорликда **“Strengthening Human Rights Implementation, Education, and Legal Development” (SHIELD)** лойиҳаси доирасида Тошкент шаҳрида **“Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ”** мавзусида қишки мактаб ташкил этилди. Унда Олий суд ва вилоят судлари судьялари, шунингдек хорижий эксперт БМТ Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси аъзоси **Микико Отани** ҳамда Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмита аъзоси **Маркус Шефер** иштирок этишди.

12. Қишки мактаб доирасида 17-19 декабрь кунлари Микико Отани Одил судлов академиясининг барча йўналишида таҳсил олаётган тингловчилари ва Одил судлов академиясида малака ошираётган муддатсиз даврга тайинланган судьялар учун **“Болалар ва аёллар ҳуқуқлари”** мавзусида, Маркус Шефер томонидан **“Миллий судлар фаолиятида халқаро ҳуқуқ нормаларини тўғридан-тўғри қўллаш”**, **“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 15-моддасининг конституциявий-ҳуқуқий аҳамияти”** мавзусида, Дмитрий Нурумов томонидан Одил судлов академияси жиноят ҳуқуқи ихтисослиги тингловчилари учун **“Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ва қонунга хилоф равишда асоссиз ушлаб туриш”** ва **“Одил судловга бўлган ҳуқуқлар: Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддасига мувофиқ ўзига хос ҳуқуқлар”** каби мавзуларда маърузалар ўқилди.

3.5. ИЛМЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ

Одил судлов академиясида суд-ҳуқуқ тизимини ва қонунчиликни такомиллаштириш ва ягона суд амалиётини шакллантиришнинг долзарб масалалари бўйича чуқур фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори талабларига мувофиқ суд-ҳуқуқ тизимини ва қонунчиликни такомиллаштириш ва ягона суд амалиётини шакллантиришнинг долзарб масалалари бўйича чуқур фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш қобилиятига эга **47 нафар** (2 нафар докторант, 4 нафар таянч докторант ва 41 нафар мустақил изланувчи) **талабгор** танлаб олинди, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун таянч докторант ҳамда мустақил изланувчиларнинг диссертация мавзулари, илмий раҳбарлари ва илмий маслаҳатчилари рўйхати тасдиқланди.

Одил судлов академиясининг Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига мустақил изланувчиликка қабул қилинган мустақил изланувчилар фаолияти доимий равишда мувофиқлаштириб борилди. Одил судлов академияси ректорининг **2025 йил 25 июль ҳамда 25 декабрдаги буйруқларига** асосан таянч докторантура ва мустақил изланувчиларнинг фаолияти самарадорлиги мониторинг ўтказиш йўли билан ўрганилди ва ўрганиш натижасига кўра “Олий таълимдан кейинги таълим тўғрисида”ги Низом талабларини бажармагани учун **9 нафар тадқиқотчи мустақил изланувчилар сафидан чиқарилди** ҳамда **21 нафар тадқиқотчи** огоҳлантирилди.

Инновацион ривожланиш агентлиги ишчи гуруҳ раҳбари О.Ш.Собиров ва ишчи гуруҳ аъзоси У.У.Комилжоновлар томонидан 2025 йилнинг 20 май куни Одил судлов академиясининг олий таълимдан кейинги таълим институти фаолияти мониторингдан ўтказилди. Мониторинг натижасига кўра, **Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлимининг фаолияти намунали баҳоланди.**

Докторантлар томонидан Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий ва илмий-оммабоп журналларда **47 та мақола**, шунингдек конференция материаллари доирасида **30 та тезис** chop этилди.

Одил судлов академияси докторантлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **6 та** моддасига, **19 та** қонунига, **7 та** Вазирлар Маҳкамаси қарорига, **7 та** Олий суд Пленуми қарорига таклифлар ишлаб чиқилиб, тегишли далолатномалар олинди.

Одил судлов академияси кафедралари томонидан **1 нафар докторант ва 10 нафар мустақил изланувчининг** диссертациялари дастлабки муҳокамадан ўтказилди.

2025 йил давомида жами **7 нафар тадқиқотчининг диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилинди** ва Кенгаш ҳулосасига кўра талабгорларга юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси берилди.

7 нафар тадқиқотчи (Т.Казакбаев, Н.Рустамова, Е.Ганиев, А.Донаев, А.Шарипов, Р.Исмоилова, Б.Адилбаевлар) томонидан юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган **диссертациялар** Олий мактаб ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Ph/D.37/27.02.2020.Үч.107.01 рақамли Илмий кенгашда **ҳимоя қилинди**.

4 нафар тадқиқотчининг диссертация иши Илмий семинарда муҳокама қилиниб, очиқ ҳимояга тавсия этилди.

6 нафар тадқиқотчининг диссертация иши кафедра муҳокамасидан ўтказилиб, Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар муҳокамасига юборилди.

Одил судлов академиясида **27 нафар** тадқиқотчининг диссертация иши **етакчи ташкилот сифатида** тегишли кафедраларда муҳокамадан ўтказилди.

Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2020 йил 13 майдаги 278/4-сонли қарори билан Одил судлов академиясида 12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ ҳамда 12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва Медиация ихтисосликлари бўйича **малакавий имтиҳон қабул қилиш комиссияси** ташкил этилган бўлиб, 2025 йилнинг май ва декабрь ойлари сессияларида жами **22 нафар тадқиқотчидан малакавий имтиҳонлар** олинди.

Ҳисобот даврида Одил судлов академиясида жами **111 нафар** (*2 нафар докторант, 13 нафар таянч докторант, 96 нафар мустақил изланувчи*) тадқиқотчилар фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш бўйича тадқиқот ишларини олиб боришди.

Олий аттестация комиссиясининг 2025 йил 31 октябрдаги қарорига кўра Судьялар олий мактаби ҳузурида фаолият юритган 12.00.03 ва 12.00.04

ихтисосликлари бўйича Илмий кенгаш ва Илмий семинар Академия ҳузурида қайта рўйхатдан ўтказилди.

Олий аттестация комиссиясининг 2025 йил 31 октябрда Одил судлов академияси ҳузурида **12.00.07, 12.00.08** ва **12.00.09** ихтисосликлари бўйича “Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тузиш тўғрисида”ги 1063-сонли қарори қабул қилинди.

3.6. ХАЛҚАРО ВА ИДОРАЛАРАРО ҲАМКОРЛИК

Одил судлов академияси томонидан 2025 йил мобайнида **Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Россия, Сербия, Венгрия, Хорватия ва Япония** каби давлатларнинг судьяларни тайёрлаш ва малакасини оширувчи муассасалари ҳамда ҳуқуқий таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари амалга оширилди. Хусусан:

2025 йилнинг 24 февраль-5 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий суд, Адлия вазирлиги, ТДЮУ, Судьялар олий мактаби делегацияси иштирокида **Токио шаҳрида Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈІСА)** кўмагида ташкил этилган **“Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари”** бўйича семинар-тренинг бўлиб ўтди. Мазкур семинар-тренингда Судьялар олий мактаби Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси мудири И.Насриев иштирок этди.

2025 йил 27 апрель – 2 май куни **Туркия Республикасининг** Адлия академиясида **“Вояга етмаганларга нисбатан одил судлов”** мавзусида халқаро ўқув курси ташкил этилди. Мазкур тадбирда Судьялар олий мактаби Касбий кўникмалар кафедраси мудири Ш.Ҳақназаров ва Халқаро ҳамкорлик бўлими бош мутахассиси Ф.Каюмова иштирок этиб, унда болалар ҳуқуқи соҳасида тажриба алмашилди ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги имкониятлари ўрганилди.

2025 йил 22–23 май кунлари **Қозоғистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси** ташкил этилганлигининг 10 йиллиги ва Туркий суд-ҳуқуқ кадрларни тайёрлаш тармоғига раислик доирасида Остона шаҳрида ўтказилган **“Замонавий дунёда қонун, ҳуқуқ ва адолат”** халқаро юристлар конгрессида Судьялар олий мактаби директори Ҳ-М.Исоқов ва Ўқув-методик бўлим бошлиғи И.Палванов иштирок этди. Тадбир доирасида қонун устуворлиги ва ҳуқуқни

қўллаш амалиёти масалалари муҳокама қилинди ва Қозоғистон Олий суди, Конституциявий суди, Бош прокуратураси фаолияти ўрганилди.

2025 йил 10-11 декабрь Қозоғистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилганлигининг 10 йиллигини нишонлаш ва Туркий давлатлар суд-ҳуқуқ кадрларини тайёрлаш тармоғи (TJTN) доирасида **Қозоғистон Республикаси Одил судлов академияси** томонидан ташкил этилган **“Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва самарали одил судлов: миллий анъаналар ва халқаро стандартлар мувозанати”** мавзусидаги халқаро форумда Одил судлов академияси ректори Ш.Абдуқодиров ва Магистратура факультети декани Н.Жураевлар иштирок этишди. Форумда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва самарали адолатни таъминлаш соҳасида миллий ҳуқуқ тизимларини халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

2025 йил 18-19 декабрь кунлари **Боку шаҳрида** бўлиб ўтган **“Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатларда давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг конституциявий асосларининг ўзига хос хусусиятлари”** мавзусидаги халқаро конференцияда Одил судлов академияси проректори Д.Арипов ва Жиноят ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси З.Омоновлар иштирок этишди. Конференцияда Туркий давлатлар суд-ҳуқуқ кадрларини тайёрлаш тармоғига аъзо давлатлар (Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон)нинг суд ва прокуратура соҳасида кадрлар тайёрлаш билан шуғулланувчи муассасалари вакиллари иштирок этишди.

Хорижий давлатлар делегацияларининг Судьялар олий мактабига ташрифи юзасидан:

2025 йил 28 апрель куни Судьялар олий мактабига **Германия Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик фонди (IRZ)** Яқин Шарқ бўйича лойиҳалар соҳаси раҳбари Каири Сиди ва IRZ фондининг Ўзбекистондаги янги тайинланган вакили Мунира Рахимджановалар ташриф буюрди. Ташриф давомида Судьялар олий мактаби ва Германия Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик фонди (IRZ)

билан ҳамкорликни ўрнатиш ва 2025 йилда ҳамкорликда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар муҳокама қилинди.

2025 йил 20 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясига **Нагоя университети Осиё сателлит кампуслари институти (АССІ) вакили Юко Одаке** ҳамда Нагоя университети Ҳуқуқ факультети профессори **Алишер Умирдиновлар** ташриф буюрди. Сухбат чоғида Академияда амалга оширилаётган ислохотлар ва таълим-илмий фаолият тўғрисида маълумот берилди, Нагоя университетининг ўқув ва илмий дастурлари ёритилди, профессор-ўқитувчиларнинг қўшма илмий лойиҳаларда иштирок этиши ва икки томонлама илмий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

2025 йил 20 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясига **Туркия Республикаси Боязид Йилдирим номидаги Анкара университети ректори, Судьялар ва прокурорлар кенгашининг собиқ аъзоси профессор Али Ченгиз Косеоглу** ташриф буюрди. Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилиниб, Анкара университети ва Одил судлов академияси ўртасида англашув меморандумини имзолаш, шунингдек келгусида магистратура дастурлари бўйича қўшма таълим ва илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан келишувга эришилди.

2025 йил ноябрь-декабрь ойлари давомида Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ва Ўзбекистоннинг Венгриядаги элчихонаси ҳамкорлигида **Сербия, Хорватия ва Венгрия** Одил судлов академиялари билан онлайн музокаралар ўтказилди. Музокаралар давомида ушбу муассасалар билан 2026 йилда ҳамкорлик меморандумларини имзолаш юзасидан келишувга эришилди.

Ҳисобот даврида жами **30 та** халқаро тадбир, конференция ва учрашувлар, шу жумладан **11 та** тренинг ўтказилди.

3.7. “ODILLIK MEZONI” ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТИ ФАОЛИЯТИ

Одил судлов академияси муассислигидаги “Odillik mezonі” илмий-амалий, ҳуқуқий журнали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан юриспруденция соҳасида асосий илмий-амалий натижаларни эълон қилиш учун тавсия қилинадиган илмий нашрлар рўйхатига киритилган бўлиб, **2025 йил давомида** журнал ҳар ойда бир мартадан нашр этилиб, жами **12 та сони** чоп этилди. **64 саҳифадан иборат** бўлган журнал бу даврда қарийб **22 000 нусхада**, ҳар ойда ўртача **2000 дон**а нашр этилиб, судьялар ва суд тизими ходимлари ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларига, Одил судлов академияси тингловчилари, докторантлари ҳамда обуначиларга мунтазам етказиб берилди.

Нашрларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёритиш, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьяларни лавозимга танлаш ва тайинлаш борасида миллий ва халқаро қонунчилик ҳамда амалиётнинг қиёсий таҳлилига бағишланган мақолалар чоп этилишига алоҳида аҳамият қаратилди.

Бундан ташқари, журналнинг 2025 йилнинг 24 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиқлигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги ПФ-227-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан журналнинг 11-сонида ҳуқуқшунос мутахассисларнинг мазкур масалага бағишланган чиқишлари алоҳида эълон қилинди.

Шунингдек, журналнинг декабрь ойидаги 12-маҳсус сонида мамлакатимизнинг таниқли ҳуқуқшунос олимлари ва амалиётчилари, Одил судлов академияси профессор-ўқитувчилари, ходимлари ҳамда докторантларининг янгиланган Конституцияга бағишланган бир қатор таҳлилий мақолалари чоп этилди.

Журнал саҳифаларида йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг суд-ҳуқуқ соҳасига оид фармон ҳамда қарорлари, уларни амалиётда татбиқ этишда эътибор бериладиган ўзига хос жиҳатлари акс этган етук олимлар, ҳуқуқшунослар, судьялар ва адвокатларнинг мақолалари нашр этиб борилди.

Журналда судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва бошқа тоифадаги муштарийларни мулоҳазага чорлайдиган, уларнинг касбий маҳоратини оширишга хизмат қиладиган кичик ҳажмли мақолалар ҳамда алломаларимизнинг ибратли ҳикоялари ҳам мунтазам бериб борилди.

Ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этиладиган журналнинг ҳар бир сониди “Қиёсий таҳлил”, “Мутахассис мулоҳазаси”, “Тингловчи минбари”, “Суд амалиёти”, “Кун мавзуси”, “Мозийдан садо”, “Хориж тажрибаси”, “Судья минбари”, “Ибрат” сингари ўндан ортиқ рукнлар остида қатор мақолалар ва ёш тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари натижалари бериб борилди. Рус ва инглиз тилларида эса нафақат ҳуқуқшунос олимлар, парламент аъзолари, судьялар ва суд тизими ходимлари, тадқиқотчиларнинг илмий-таҳлилий мақолалари, балки кўплаб хорижлик муаллифларнинг мақолалари ҳам нашр этилди.

Мухтасар айтганда, “*Odillik mezon*” илмий-амалий ва ҳуқуқий журнали орқали ўтган йил давомида ўзбек тилида **400 га яқин**, рус ва инглиз тилларида **100 дан ортиқ** илмий мақолалар журналхонлар эътиборига ҳавола этилди.